

**УДК 94 (571.1)**

**МАНГИТ АМИРЛАРИ ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ  
ТАРИХШУНОСЛИГИ**

**Ширинова Фируза Иноятовна  
Иброҳимова Рухсора Илҳомжон қизи  
Мўминов Ҳусниддинжон Ҳусен ўғли**

Ўзбекистон Республикаси Навоий давлат педагогика институти Тарих факултети тадқиқотчилари.

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада мангит амирлари давлатчилиги сиёсатининг бўғинлари, унинг тарихи, тарихшунослиги, шарқшунос олимларнинг ёзма манбалари ва уларнинг ўрганилиши хусусида гапирилади.

**Калит сўзлар:** Сўнгги сулола, ташқи сиёsat, тарихшунослик, ўрганилиш, Европа, миллий ўзликни англаш.

**ANNOTATION**

In this article, it tells you about the segments or state policy of the emirates of Mangits, its histros, histrography, history and study of written sources of oriental scolars.

**Key words:** Bukhara, policy, Mangit amirs, foreign policy, tax system, analysis.

1998 йил 26 июнда бир гурӯҳ етакчи тарихчи олимлар билан бўлиб ўтган учрашувда давлатимиз раҳбари тарихчи, архиолог, шарқшунос олимларга мурожаат қилиб, Ватан тарихини яратиш уни халқقا етказиш, миллий давлатчилигимиз тарихини ёзиш масалаларига тўхталди. Тарихчи олимлар олдида турган муҳим масалалардан бири давлатчилигимиз тарихини яратишдир деб таъкидлаб, "Давлатчилик бугунги кунда ўта сиёсий масала бўлиб турибди. Нега деганда, Ўзбекистонда давлатчилик бўлмаган деб орқаваротдан ташвиқот юритаётган, шу фикрни онгимизга сингдирмоқчи бўлаётган, керак бўлса халқни, жамоатчиликни шунга ишонтиришга уринаётган кучлар ҳали бор... Ўзбек тарихчиларининг бугунги кундаги асосий вазифаси мана шу даъвонинг пуч эканлигини исботлаш, давлатчилигимизнинг илмий нуқтаи-назардан асосланган тарихини яратишдир"<sup>1</sup>- деган эди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистонда азалдан мавжуд бўлган Маълумки, миллий давлатчилигимиз тараққиётида мангитлар ҳукмронлик

---

<sup>1</sup> И. Каримов. "Адолатли жамият сари" Тошкент, "Ўзбекистон", 1998 йил, 42-бет.

қилган давр (1753-1920) яъни қарийб икки аср вақт мобайнида ўзига хос бошқарув аппарати ва бошқарувнинг усул ва хусусиятлари юзага келди. Бухорда манғит ҳукмронлигини ўрнатган Муҳаммад Раҳимхондан тортиб то амир Сайид Олимхонгача бўлган ҳукмдорларнинг (амир Дониёр, амир Шоҳмуродхон, амир Ҳайдархон, амир Насруллохон, амир Музаффархон, амир Абулаҳатхон) ҳар бирининг давлатни идора қилишда маълум услуб ва хусусиятлар мавжуд эдики, жуда кўп тарихий манбалар бундан далолат беради. Миллий давлатчилигимиз тарихида Бухоро ҳонлигига манғитлар ҳукмронлик қилган давр тарихига оид масалалар ўрганилган бўлсада давлатни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари етарлича чукур ўрганилмаган. Уни ҳар томонлама тадқик қилиш ўрганиш биринчидан, Бухоро амирлигига манғитлар ҳукмронлиги даврида давлатни бошқаришдаги ўзига хос хусусиятларини тадқик қилиш миллий давлатчилигимиз тарихини ўрганишдаги айrim кемтикларни тўлдиради, иккинчидан, бу соҳадаги тарихий далиллар ўтмишдаги ўзбек давлатчилигини борлигини инкор қилувчи кучларнинг асоссиз даъволарига маълум бир зарба бўла олади, учинчидан, миллий давлатчилигимизнинг ҳозирги босқичдаги равнақига ўтмиш давлатчилик тарихидаги камчилик ва ютуқларни аниқлаш ва ундан танқидий фойдаланиш имконини беради.

Манғитлар ҳукмронлик қилган Бухоро амирлиги тарихи файласуф, этнограф, адабиётчилар ва бошқа тадқиқотчилар томонидан илмий ишлар, монография, китоб, рисола, бадиий тарихий асарлар, илмий мақолалар ёзиб анчагина ўрганилган. Шуни айтиш жоизки, юқорида айтилган барча ишларни илмий-назарий, методологик-услубий, сиёсий-мафкуравий жиҳатдан бир хил баҳолаб бўлмайди. Асарларда ифода этилган муаммога нисбатан берилган баҳони ҳисобга олиб уларни икки гурухга бўлиш мумкин.

Биринчи гурухга киравчи адабиётлар шўро, мустабид тузуми давригача яъни Бухоро амирлиги шўролар давлати томонидан босиб олинганга қадар яратилган асарлар, иккинчи гурухга эса мустабид тузуми даврида яратилган асарлар киради. Биринчи гурухга киравчи асарларнинг бир қисми тарихчи, ёзувчи шоирлар қаламига мансуб бўлиб булар, Аҳмад Донишнинг “Наводир ул – Вақое”, “Рисолаи муҳтасаре аз тарихи салтанати манғитийа”, Садриддин Айнийнинг Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар, “Эсдаликлар” Садри Зиёниг “Наводури Зиёя”<sup>1</sup> асарларидир.

1. Аҳмад Дониш. «Наводир ул –Вақое» Тожикгосиздат.1957

2.Аҳмад Маҳдуми Дониш. «Рисолаи муҳтасаре аз тарихи салтанати манғитийа» Душанбе–Тожикистон давлат нашриёти. 1960.

3. Садриддин Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Т. 1926.

4. Садриддин Айний. «Эсдаликлар». Ф.А. нашри. 1960.

5. Садри Зиё. “Наводури Зиёя” Душанбе “ Адаб”1991 йил.

6. А.Б. Вильданова. Подлинник Бухарского трактата о чинах и званиях “Письменное памятники Востока”. Ежигодник, 1968. М. 1970.

Шунингдек, А.Б. Вильданованинг Подлинник Бухарского трактада о чинах и званиях “Письменное памятники Востока, ҳамда, Очерк устройства центрального административного управление Бухарского ханства позднейшего времени. “Материалы по истории таджиков и узбеков Средний Азии ва Бухарский трактов о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре – “Советское востоковедение» асарлридир. Мулло Вафо Карминагийнинг “Тухфат ул – Хоний, Аҳмад Донишнинг “Рисола ё мухтасари аз тарихи салтанати хонадони манғитийа”, Мирза Абдул Азим Сомийнинг “История мангитских государей” каби асарларнинг аҳамияти катта бўлиб, биз бу асарлар орқали манғитлар ҳукмронлиги давридаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, давлат бошқаруви, ташки сиёсий масалалари тўғрисида кўп нарсаларни билиб оламиз.

Шунингдек, биз мавзумизнинг маънавий асосларидан ҳисобланган Мирза Бади Диваннинг “Мажма ал-Аркам”, Аҳмад Донишнинг “Наводир ал – Вақое” каби асарларидан ҳам Бухоро амирлигининг давлат ишлари, бошқарув тизими, давлат муассасалари, ҳукмдорлар, ҳокимлар, қозилар умуман давлат амалдорларига қандай талаблар қўйилгани ҳақида билиб оламиз.

Масалан, “Мажма ал – Аркам” асари Бухоро амирлигига амир Шоҳмуроднинг қўрсатмаси билан ёзилган бўлиб, унда бошқарув тизимидағи амалдорларнинг маънавий қиёфаси, хизмат вазифаси ва уни қандай бажариш ҳақида фикр юритилади. Масалан: Мирзо хизмат вазифасига қалбида худони жо қилиб, ишда ҳар қандай ҳасад, ифво, ғийбат, тухмат, бўхтон, товламачилик, хушомадгўйлик, алдамчилик каби иллатлардан холи бўлиши керак деб қўрсатади. Асарда қаламдастларни мақтайди. Уларни шамширдастлардан устун қўяди. (Носител пера охраняет носителя меча, ... Первоисточник создания вещей. Яъни, “Подшоҳлар ҳам қалам аҳлига алоҳида эътибор бериши, рағбатлантириши, аҳволидан хабардор бўлиши лозимки, бу девондаги иш юритишни яхшилашга олиб келади деб таъкидлайди”<sup>2</sup>. Бундан англаш мумкинки, давлат ва унинг тимсоли ҳукмдорларга шунингдек, бошқарув амалдорларга қўйилган талабларда ўз ифодасини топган. Хуллас, Мирза Бади Диваннинг ушбу асари манғитлар ҳукмронлик қилган даврда Бухоро амирлигини маъмурий бошқарув идоравий усулининг ўзига хос хусусиятларини аниқроқ билиб олишга ёрдам беради. Муҳаммад Мир Олим Бухорийнинг “Фатҳномаи Султоний”<sup>3</sup> асарларида ҳам амир Шоҳмурод, амир Насрулло ва амир Ҳайдарлар давридаги ижтимоий-сиёсий воқеалар, давлат ишлари, амалдорларнинг маънавий қиёфаси очиб берилган.

<sup>2</sup> . Мирза Бади Девон. “Мажма –ал- Арком”(А.Б. Вильданова таржимаси.)М. 1981 йил. 33-36 бетлар.

<sup>3</sup> . Муҳаммад Мир Олим Бухорий. “Фатҳномаи Султоний”, Ўзб.ФА. Шарқшунослик институти, Кўлёзма. Инв.№1838.

Тарихчи давлат бошқарувидаги вазифаларни ижросини уюштирган амир Шоҳмуродни мақтаб “Ҳақиқий йўлбошли даврида ислом ва шариат кенг қулоч ёзди. Адолат ва ҳақиқат шу даражада қарор топдики, бўри билан қўй бир охурдан сув ичадиган бўлди. Ҳар мадрасага мударрис, ҳар масjidга имом тайинлади. Ҳар бир туманда ва шаҳарда илоҳиётчи олимлар, қозилар ва раислар диний расм-русумларга, савдо-сотик қоидаларига ва солиқларни тўғри ундиришга мутасаддиллик қиласар эдилар”<sup>4</sup>. Кўриниб турибдик, амирликнинг бошқарув тизими ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳасида адолатни барқарор бўлиши учун амир Шоҳмурод ҳақиқий йўлбошлилик қилган. Унинг даврида марказий бошқарув бутунлигича бир даргоҳда мужассамлашган. Масалан, амир Шоҳмурод даврида шариат қонунларини ижросини адолатли ва тўғри бўлиши учун олий маҳкама таъсис этилиб, унинг ишига қирқ нафар қонуншунос фаолият кўрсатган.

Мангитлар сулоласининг сўнгги ҳукмдори амир Олимхон даврида эса шариат қонунлари ижросини тўғри амалга оширилишини назорат қилувчи ва патво берувчи муфтиларнинг туман-вилоятлардан келган 12 вакилидан иборат қозикалон ҳузурида муфтилар идораси тузилган. Уни катта муфти ёки аълам бошқарган. Ҳар йили наврўзнинг ой бошида Бухорода қозиларнинг уч кунлик семинар йиғилиши қозикалон, аълам ва ўша 12 муфтининг ҳаммаси йиғилиб, амир раислигига ўтказилган. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, чор Россияси томонидан Бухоро амирлиги босиб олингандан кейинги ижтимоий-сиёсий воқеалар, давлатни бошқаришдаги идоравий усуллар ҳақида мангитлар ҳукмронлик қилган даврда саройда ишлаган собиқ мансабдорлардан тарихчи Мирзо Салимбекнинг “Тарихи Салимий”, Мирзо Абдул Азим Сомийнинг Епифанова Л.М. таржима қилган “История мангитских государей”, Аҳмад Донишнинг “Рисолаи мухтасаре аз тарихи салтанати мангитий”<sup>5</sup>асарларида фикрлар мавжуд. Аҳмад Дониш ўзининг “Наводурил вақое” асарида амир Насруллонинг давлат бошқарувидаги фаолиятига баҳо бериб, “У вазмин, қўркмас, қаттиқұл ва зукко ҳукмдор эди. Амирга нисбатан кўрнамаклик қилган фитначи, иғвогарларни қаттиқ жазолади. Ўз тарафдорларини сийлади”<sup>6</sup>. Шунингдек, шариат қонунларини мустаҳкамлаб, отаси амир Ҳайдар даврида бебошлиқ қилган барча вилоятларни, яъни у ердаги сиёсий кучларни пойтахт измига қайтарди. Аҳмад Дониш амир Музофархоннинг давлатни бошқарув ишларидаги катта хатоларини кўрсатиб отаси Насруллохон даврида мансабдан бўшатилиб, мол-мулки мусодара этилиб, Карманага сургун қилинган

<sup>4</sup>Муҳаммад Мир Олим Бухорий. “Фатҳномаи Султоний” Ўзб.Ф.А. Шарқшунослик институти. Қўлёзма. И nv.№1838. 190-б.

<sup>6</sup> . Аҳмад Дониш. “Рисолаи мухтасаре аз тарихи салтанати мангитий”. (Сўз боши ва изоҳлар А.Мирзаевники), Душанбе. 1960.164- бет.

амалдорларни у яна пойтахтга қайтариб юқори лавозимларни беради. Бу ўринда муаллиф амир Музаффархонни манманликка берилганлигини, шариат ҳукмини ижро этишда адолатсизлик қилганини, унинг даврида лашкар заифлашганини, отаси замонида ишлаган тажрибали саркардалар ўрнига "таги паст ва ғуломларни тайинлаганини айтиб, Русия ўлкага бостириб кирганда эса, таги паст, нодон ва ғайратсиз саркардалар жуфтакни ростлаб қолдилар... Натижада барча вилоятлар Русия қўлига тушди" деб ёзган эди.

Садри Зиё ўзининг "Наводури Зиёя" асарида Аҳмад Дониш давлатни бошқарув соҳасидаги нуқсонлар, уни тугатиш йўллари ҳақида берган маслаҳатларини ва унинг амалдорлари "Наводир ул-вақое"ни ўқиб олимга аҳмок, кофир, кўрнамак деган тамғаларни босадилар деб кўрсатади.

Аҳмад Дониш ислоҳот ҳақидаги ғояларини олий мансабдорлар мажлисларида гапиради. "Қозикалон, Қушбеги табассум билан тўғри айтасиз", "бале" деб мажлисни тугатардилар, унинг орқасидан эса кулиб, "Девона бўлибди" дер эдилар,<sup>7</sup>- деб ёзди.

Шунингдек, "Наводури Зиёя"да Бухоро амирларига Мулло Азим Сомий Бўстоний мамлакатнинг ижтимоий аҳволи давлат бошқарувидаги нуқсонлар, уларни тузатиш тадбирлари, ислоҳотлар ҳақида ўз ғояларини амиру вазирга, қозикалонга мактуб, ариза, шикоятнома шаклларида ёзиб, шунингдек, ўз ҳаётини хавф остига қолдириб мажлисларда нутқ сўзлаб охирида "енгилтак", "кўрнамак" деб айбланиб вазифасидан четлаштирилганини ёзган . Тарихчи ва олим Сомий Бўстоний "Тухфаи Шохий", "Тарихи салотини манғития" асарларида амирликдаги ижтимоий-сиёсий воқеаларни ёритган. Шуни айтиш ўринлики, Аҳмад Дониш ва Сомий Бўстонийнинг шогирдларидан ҳисобланган, Бухоро амирлигининг сўнгги қозикалони Садри Зиёнинг "Наводури Зиёя" асарида манғит амирларининг давлатни бошқаришдаги сиёсалари кенг ёритилган. Чунки муаллиф, давлат бошқарувининг иштирокчиси, тарихий гувоҳи эди. Шунинг учун аниқ илмий хulosалар унинг асарида ўз аксини топгандир.

## АДАБИЁТЛАР

1. Аҳмад Дониш. «Наводир ул –Вақое» Тожикгосиздат. Душанбе. 1957
2. Аҳмад Маҳдуми Дониш. «Рисолаи мухтасаре аз тарихи салтанати манғитийа» Душанбе–Тожикистон давлат нашриёти. 1960.
3. Садриддин Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Т. 1926.
4. Садриддин Айний. «Эсадаликлар». ФА. нашри. 1960.
5. Садри Зиё. “Наводури Зиёя” Душанбе “ Адид”1991 йил.